

Лобар АСРОРОВА,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Манбалар хазинаси катта илмий ходими,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА БУХОРО ЗИЁРАТГОҲЛАРИ МАСАЛАСИ

Сўнгги йилларда тарихий ҳужжатлар тарихчилар эътиборини жалб қилиб, улардан юртимиз тарихи, ижтимоий ҳаётини ўрганиш учун муҳим манба сифатида фойдаланиб келинмоқда. Ушбу мақолада Абу Ҳафс Кабир Бухорий макбараси, нақшбандия тариқатидаги шахсларнинг зикр мажлислари, хатмлар ўтказилган масканлар яъни, масжиду хонақоҳларнинг жамият ва юқори мутасадди шахслар томонидан мунтазам равишда моддий қўллаб-қувватланганлиги архив ҳужжатлари асосида ёритилган. Бундан олимлар, тасаввуф шайхлари Марказий Осиё ижтимоий тарихида юқори ҳурмат эътиборда бўлгани, уларнинг таълимоти халқ ўртасида мунтазам равишда ўрганилиб, унга амал қилингани яққол намоён бўлади.

Бунинг исботи сифатида Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви “Қушбеги” фондида Абу Ҳафс Кабир Бухорий макбарасига 18 та, Мири Хурд Мири Калон хонақоҳига иккита, етти пир зиёратгоҳларига эса қиркга яқин вақф ҳужжати, зиёратгоҳлардаги иморатларнинг таъмири, ходимларнинг ойлик маоши, Амир Аркида хатми хожагонларга ҳар ойда тўланган маошлар рўйхати каби кўплаб ҳужжатларни келтириш мумкин. Қуйида ушбу ҳужжатлардан айримларини келтириб ўтамыз:

Асрлар давомида Абу Ҳафс Кабир макбарасига кўплаб вақфлар қилиниб, унинг худуди кенгайтирилди. Жумладан, макбарага Амир Темур Кўрагон Бухоронинг шимолий томонида жойлашган бир қанча суғориладиган ерларни, Ҳазрати Ҳовон Муҳаммад Алавий, Ҳазрати Ҳовон қизлари Солиябегим ва Ойбонубегимлар Насаф вилояти Қумак кишлоғининг барча ерларини ва турли шахслар томонидан жами 2506,5 таноб ер, кўплаб ҳовли ва дўконлар вақф қилинган¹.

¹ ЎЗРМДА. 323-фонд, 1-рўйхат, 1096, 129/13, 506, 585, 856, 856/1, 856/2, 856/3, 856/4, 856/5, 856/6, 925, 930, 940, 968, 994, 1048, 1172-ишлар.

Мири Хурд Мири Калон хонақоҳига эса (1277 х./1860 й.) йил қози Абдулвоҳид Садр ибн Муҳаммад Шарофнинг 8 та мухри босилган ҳужжатда Мулло Ниёз Боқи ибн Муҳаммад Боқи Комот тумани Шўристон ерларидан 23 таноб ер, бошқа бир ҳужжатда Комот туман Боғот ерларидан 221 таноб ер вақф қилинган². Қадимдан бу жойлар “Мири Хурд Мири Калон мазори” дея номланган³. У ерда хонақоҳ, “Савр” масжиди, намозгоҳ, “Мадрасаи нав” ва мактабхона фаолият юритган. Мадрасада бошқа давлатлардан ҳам талабалар бўлган. (1292 х./1875 й.) йилда Амир Музаффарнинг қози Муҳйиддинга юборган хатига кўра, ушбу мадрасада Мулло Муҳаммадий Балхий яшаган⁴. Мадрасада султоний хужралар ҳам бўлиб, яшашга жойи йўқ, ночор мударрис ва талабаларга мазкур хужраларда яшашга рухсат берилган⁵. Шунингдек, икки ҳайит байрами ва турли диний маросимлар вақтида қозининг бир нафар мулозими келиб Мири Хурд Мири Калон мазорида тартибни назорат қилиб турган⁶.

Йиллар давомида кўплаб ҳукмдор ва амалдорларнинг етти пир зиёратгоҳини ободонлаштириш мақсадида иморатлар қурдиргани, уларнинг таъмири учун маблағ ажратгани, турли мулкларни вақф қилгани ҳақида ҳужжатлар сақланиб қолган. Масалан, Амир Темур (ваф. 1405 й.) Хитой урушидан қайтгач, Абдуҳолиқ Ғиждувоний шарафига мадраса ва макбара қурдиришни кўнглига тугади, аммо ниятини амалга оширишга улгурмади. Мирзо Улуғбек (ваф. 1449 й.) бобосининг эзгу

² ЎЗРМДА. 323-фонд, 1-рўйхат, 842, 1215-иш.

³ Қаранг: Муборакномаҳои Амир Музаффар бе қози Муҳйиддин. ЎЗР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. №407. Ҳужжатлар: 27, 31, 76, 83, 86, 126, 143, 145, 230, 232, 239, 256, 277, 290, 303, 307.

⁴ Ўша манба. 76, 83, 126-ҳужжатлар.

⁵ Ўша манба. 76, 83, 126, 145, 256, 277-ҳужжатлар.

⁶ Ўша манба. 143-ҳужжат.

ниятини амалга ошириб, 1433 йил Гиждувон шаҳрида “Улуғбек” номи мадраса, кутубхона ва тошхаммом курдиради. Бухоро хони Абдуллахон (ваф. 1598 й.) эса Абдухолик Гиждувоний шарафига масжид, минора ва ҳовуз барпо этади.

Мазкур бинолар вақт ўтиши билан таъмирга муҳтож бўлади. Шу сабабли, уларнинг таъмири учун давлат хазинасидан 1200 танга ажратилган⁷. Яна 21, 43, 59-ҳужжатларда ҳам Хожаи Жаҳон хонақосининг таъмири учун маблағ ажратилгани ёзилган.

Мазкур хонақоҳга (1110 х./1692) йилда Хиркон Руд тумани Кантоулдан 20 таноб, (1157 х./1744) йилда 1523 таноб ер ва Гиждувон тумани Хиркон Руддаги битта тегирмон, (1214 х./1799)- (1329 х./1911) йиллар оралиғида 31 таноб ер вақф қилинган⁸. Шунингдек, (1319 х./1901й.) Кўзибой ибн Ўринбой Гиждувон туманидаги битта мисгарлик устахонасини, 1330 х./1912 йилда Гиждувон бозоридаги дон сотадиган савдо дўкони ҳам Абдухолик Гиждувоний макбарасига вақф қилинган⁹.

Иккинчи пир – Хожа Ориф Ревгарий макбарасига ҳам турли даврларда ер-мулклар вақф қилиб келинган. Жумладан, Амир Темур Кўрагон томонидан Шофиркон туман Чорвадор ерларидан 1030 таноб, 1073 х./1662 йилда Абдуллахон 115 таноб, 1110 х./1698-1334 х./1916 йиллар оралиғида 621,5 таноб ер вақф қилинган¹⁰. Шунингдек, 1316/1898 йил Мулло Абдувоҳид оқсоқол ибн Мулло Севара Гиждувондан 5 та савдо дўконини, Мулло Ҳомид Хожа ибн Маҳмуд Хожа Шофиркон бозоридан 5 та савдо дўконини, 1331/1911 йил Ҳикматуллоҳ Хожа ибн Ҳабибуллоҳ Хожа Шофиркон туман Бозордан 1 та қарвонсаройни, 1334/1916 йил Хожа Муродбой ибн Абдуллоҳ Шофиркон туманидаги 24 та пояфзал дўконини, Хожа Улфат Хожа Калон ибн Абдуллоҳ Хиркон Руд Хавзақдан 1 та тегирмон асбоб-ускуналари билан бирга вақф қилишган¹¹.

Бухоро амирлари топшириғига биноан, Хожа Ориф Ревгарий макбараси мунтазам таъмирланган. Масалан, қози Мулло Мир Ҳабибуллоҳнинг аризасида ёзилишича, хонақоҳнинг саҳни ва том қисми таъмирталаб

бўлган. Амирнинг рухсати (ижозати) билан бир мулозим хонақоҳга юборилган. Мулозим 10 кун давомида ишчиларга кўрсатма бериб, хонақоҳ томи, ҳовли саҳни, нураган деворлари ҳамда хужраларини тузаттирган. Барча харажатлар 372 тангага етган. 29, 36, 39, 64, 129-ҳужжатларда ҳам Хожа Ориф макбараси таъмири учун ажратилган маблағлар ёзилган¹².

Архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, Хожа Ориф Ревгарий мазоридида мақсурахонлар билан бир қаторда фаррошлик лавозими ҳам мавжуд бўлган. 124-ҳужжатда келтирилишича, фаррош 3 тилло маош олган¹³.

Учинчи пир бўлган Маҳмуд Анжир Фағнавий макбарасига ҳам кўплаб ер-мулклар вақф қилинган. Жумладан, (1212 х./1797) йил Амир Маъсум ибн Дониёлнинг (ваф. 1800 й.) 5 та муҳри билан тасдиқланган ҳужжатда Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий хонақоҳига Бухоронинг Комот туманидан 260 таноб ер вақф қилинган. Юқорида келтирилган ҳужжатнинг кейинги қисмида Анжир Фағна қишлоғидаги 3 қисмдан иборат (1-қисми 12, 2-қисми 7 ва 3-қисми 2 таноб) 21 таноб ер Маҳмуд Анжир Фағнавийнинг шу қишлоқдаги макбарасига вақф қилинган. Яна 1212 х./1797 йил Амир Маъсум ибн Дониёлнинг муҳри тасдиқлаган ҳужжатда 21 таноб ер вақф қилинган¹⁴.

Тўртинчи пир – Хожа Азизон хонақоҳига (1091 х./1680) йил Амир Дониёлнинг (ваф. 1785 й.) муҳри босилган ҳужжатда Абдулло Хожа ибн Пошшо Хожа Фаровез туманидан 30 таноб ер, Хоним биби бинт Хожанжон Хиркон Руд туман Ҳожиқўрғондан 60 таноб ерни мазкур хонақоҳга вақф қилган. Иккинчи ҳужжат (1216 х./1801) йил Амир Ҳайдарнинг (ваф. 1826 й.) 3 та муҳри билан тасдиқланган¹⁵.

Бешинчи пир – Бобо Самосийнинг мазорига берилган вақф хусусида ҳужжат мавжуд. Ҳужжат қози Мулло Мирзо Ҳикматуллоҳнинг амирга ёзган хати бўлиб, унда Бобо Самосий мазорига берилган вақф шартининг бажарилиши акс этган. Шартга кўра, Самосий авлодидан бўлган Мирак Хожа Бобо Самосий мазорига берилган вақфга мутавааллий этиб тайинланган. Унинг вафоти сабабли, Бобо Самосийнинг авлодлари – Ҳожи Абдурахим Хожа, Абдурасул Хожа, Пўлот Хожа, Рухуллоҳ Хожа ва бошқалар Мирак Хожанинг

⁷ ЎзРМДА. 126-фонд, 1-рўйхат, 824-иш, 115-ҳужжат.

⁸ ЎзРМДА. 323-фонд, 1-рўйхат, 1243, 1175, 1295/44, 594, 1221-ишлар.

⁹ ЎзРМДА. 323-фонд, 1-рўйхат, 790, 800, 831, 1018-ишлар.

¹⁰ ЎзРМДА. 323-фонд, 1-рўйхат, 858, 858/7, 1290/12, 858/1, 858/3, 858/4-ишлар.

¹¹ ЎзРМДА. 323-фонд, 1-рўйхат, 858/6, 858/8, 858/9, 858/2, 858/5, 858/10, 858/11-ишлар.

¹² ЎзРМДА. 126-фонд, 1-рўйхат, 824-иш.

¹³ ЎзРМДА. 126-фонд, 1-рўйхат, 964-иш.

¹⁴ ЎзРМДА. 323-фонд, 1-рўйхат, 1300/4-иш.

¹⁵ Ҳужжатнинг асл нусхаси йўқолган. 1801 йилда гувоҳлар иштирокида қайта кўчирилган. ЎзРМДА. 323-фонд, 1-рўйхат, 1300/34 ва 129/3-ишлар.

ўрнига ўз авлодларидан – Аҳмад Хожани мутавалий, Абдурасул Хожани имом ва Почо Хожани муаззинликка тайинлашлари илтимос қилинган¹⁶.

Олтинчи пир – Амир Кулолнинг (ваф. 1370 й.) макбараси ҳам мунтазам обод этиб келинган. У ерда ишлайдиган ходимларга хон ва амирлар томонидан совғалар берилган. Хатми Куръон ва турли эҳсонлар қилиб келинган. Масалан, ЎзР МДА фондида сақланаётган ҳужжатда кўрсатилишича, Амир Кулол мазорига хатм ҳадяси ва эҳсон ошига 241 танга ажратилган. Шунингдек, рамазон ойининг охири даҳасида Бухорода жойлашган 41 та мазор масжидларида хатмоналар қилинган. Бу хатмоналарга ҳам пул маблағлари ажратилган¹⁷.

Еттинчи пир – Баҳоуддин Нақшбанд дафн этилган мазор ҳам кўп йиллар давомида кенгайтирилган. Аштархонийларнинг бешинчи хони Абдулазизхон (1614 – 1683) у ерда хонақоҳ ва макбара қурдирган. Бухоро амирлари ҳам тахтга ўтиришдан аввал Баҳоуддин Нақшбанд мазорига зиёратга борганлар¹⁸.

Барча зиёратгоҳларга бўлгани сингари бу ерда ҳам турли вақфлар ажратилган. Масалан, Саид Имомқулихон Баҳодир Султон (ваф. 1644 й.) “Мушк” номли 2 қаватли битта сарой (Кейинчалик саройни Амир Олимхон таъмирлатган)ни Баҳоуддин Нақшбанд макбарасига вақф қилган.

1008 х./1599 йил Амир Низомиддин Боқибий ибн Амир Шижоуддин Турди Муҳаммадий Қасри Орифондаги барча ерларни, Коми Абу Муслим Файзободдан битта тегирмонни асбоб-ускунаси билан Баҳоуддин Нақшбанд хонақоҳига вақф қилган¹⁹.

Абулфайз Муҳаммад Баҳодирхон ибн Субхонқулихон (ваф. 1747 й.) ҳам Хутфар туман Чоқари қишлоғининг барча ерлари жами 600 таноб, Комот туман Шириндан 456 таноб, Работи Балад Шер Тирондан 80 таноб ер ва бошқа ерларни вақф қилган. (1138 х./1725) йил тузилган ҳужжат асл нусха бўлиб, Абулфайзхоннинг битта ва 69 та бошқа муҳрлар билан тасдиқланган²⁰.

Акрамхон тўра ибн Амир Музаффар (1333 х./1914) йил битта икки қаватли сарой 50 та ҳужра,

Ғузор туман Бозордаги 38 та дўкон, (1319 х./1901) йил Жануби Руддан 11 таноб ерни вақф қилган²¹.

Вақф мулкидан ташқари Нақшбанд хонақосига амирлар кўплаб совға-саломлар юборган. Масалан, 1314/1897 йил 11 зулқаъда ойининг шанба кунда Мулло Мир Бадриддин қози калон амирнинг хазинасидан Баҳоуддин Нақшбанднинг авлодларига 7000 танга, Нақшбанд қабри бошига 200 танга, у ерда ишлайдиган қориларга 600 танга, фақирларга 200 танга, жами: 8000 танга ҳадя берган²².

Тадқиқот жараёнида амир саройида 20 нафар хатми хожагонларнинг маоши жами 170 танга²³, сарой хизматчиларига эса 1,5 тангадан 3,5 тангагача маош берилгани аниқланди²⁴. Хожа Ориф Ревгарий мазоридаги фаррошнинг ва Баҳоуддин Нақшбанд хонақосидаги икки муаззиннинг маошлари уларниқидан анча баланд бўлган. Буни мазкур зиёратгоҳларга ажратилган вақф мулкларининг кўплиги ҳамда ушбу мулклардан катта даромад олиниши билан изоҳлаш мумкин.

Хулоса шуки, йиллар давомида улуг олим ва тариқат шайхларининг зиёратгоҳлари мунтазам кенгайтирилиб, ундаги иморатлар таъмирланган. Хон ва амирлар тариқат шайхларига ҳурмат рамзи сифатида турли ҳадя ва вақфлар қилишган. Бу анъанани мустақиллик йилларида ҳам давом эттирилганини кўриш мумкин. Етти пир зиёратгоҳларида ободонлаштириш ишлари бир неча марта олиб борилди. Ҳозирги кунга келиб мамлакатимизда сайёҳлик саноати субъектлари фаолияти учун қулай шароитлар яратилмоқда, чет элликлар учун виза ва рўйхатдан ўтиш тартиблари, божхона назорати соддалаштирилди. Тармоқнинг янги салоҳиятли турлари, хусусан, зиёрат туризмини ривожлантиришга эътибор кучаймоқда. Натижада Бухородаги табаррук мажмуаларга юртдошларимиздан ташқари, Ҳиндистон, Покистон, Малайзия, Индонезия, Туркия, Саудия Арабистони, Эрон ҳамда Марказий Осиё мамлакатларидан зиёратчилар келмоқда.

¹⁶ ЎзРМДА. 126-фонд, 1-рўйхат, 964-иш.

¹⁷ ЎзРМДА. 126-фонд, 1-рўйхат, 886-иш, 139, 177-ва-рақлар.

¹⁸ Маданий мерос департаменти архиви. №4687. Проект реставрации хонақо Бохауддин Близ г. Бухары. Книга-1. – Т.: 1981. – С. 9.

¹⁹ ЎзРМДА. 323-фонд, 1-рўйхат, 1023-иш.

²⁰ ЎзРМДА. 323-фонд, 1-рўйхат, 1087-иш.

²¹ ЎзРМДА. 323-фонд, 1-рўйхат, 804-652-ишлар. Ҳужжат асл нусха бўлиб, кейинчалик вақф ери темир йўл қуриш учун олиниш керак бўлганда, амир 11 таноб ерни қолдиришга рухсат беради. Ушбу вақфларнинг шартларига кўра, олинган даромаднинг бир қисми хонақоҳ мақсураҳон ва қориларига берилиши лозим бўлган.

²² ЎзРМДА. 126-фонд, 1-рўйхат, 888-иш.

²³ 1 танга – Бухоро амирлигида 15 тийинга, Қўқон хонлигида 20 тийинга тенг бўлган кумуш пул.

²⁴ ЎзРМДА. 126-фонд, 1-рўйхат, 886, 888, 889-ишлар.